

Тошкент Ислон университети

Араб тили дарслиги

Таркиб қоидалари

I Қисм

Тошкент ислом университети
нашриёт-матбаа бирлашмаси
2009 йил.

*Тошкент ислом институтининг услубий илмий кенгаши ушбу
“Араб тили дарслиги ва таркиб қоидалари” дастурини нашр
қилишига тавсия этади.*

© Тошкент ислом университети
нашриёт-матбаа бирлашмаси, – 2009 йил.

СЎЗ БОШИ

Алҳамду лиллаҳи роббил оламин вал-оқибату лил-муттақин вас-солату вас-салому ала Расулиҳи ва асҳобиҳи ажмаин аммо баъд.

Маълумки, фикҳ, ҳадис, тафсир ва калом каби ислом илмларидан беқиёс асарлар таълиф қилган алломаларимиз тилшунослик илмларида ҳам серҳикмат китоблар тасниф этишган. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий сингари кўплаб аждодларимиз наҳв, сарф, таркиб, балоғат каби тилшунослик илмларида араб тилининг морфологик ва грамматик асослари ҳамда назариясини бойитадиган асарлар қолдиришган.

Зеро, араб тилини мукамал ўрганиш халқимизнинг муқаддас эътиқоди – ислом динига оид бой маънавий-маданий мерос ҳамда диёримиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарларини ҳар томонлама дақиқ ўрганиш ва илмий-назарий тадқиқотлар олиб боришдек хайрли ва савобли мақсадларга хизмат қилади.

Муҳими шундаки, ёшларимиз Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни бемалол ўқиб тушуна олишлари, алломаларимиз қолдирган диний-илмий меросдан баҳраманд бўлишлари ва уни халққа етказишда араб тилининг аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир.

Кейинги йилларда наҳв, сарф каби араб тилининг қоидаларига оид кўплаб ўқув қўлланма ва дарсликлар Чоп этилиб, ислом ўрта-махсус билим юртларида жорий этилаётгани қувонарли ҳолдир, алҳамдулиллоҳ. Ушбу ўқув қўлланма ҳам ана шундай дарсликлар қаторидан ўрин олса, ажаб эмас.


Тошкент Кўкалдош ислом ўрта-махсус билим юрти мударриси Шерали Ҳамроалиев асрлар давомида халқимиз ўртасида дарслик сифатида машҳур бўлиб келган «Мабда ул-қироат» китоби асосида араб тилининг наҳв, сарф ва таркиб қоидаларини жуда осон ва тушунарли ҳолда машқларда қўлланишигача ифодалаб берган.

Ўқув қўлланманинг яна бир афзаллик жиҳати шундаки, унда наҳв, сарфга оид қоидалар ва атамалар замонавий араб тили грамматикасида қандай номланиши батафсил ўзининг ифодасини топган. Бу эса араб тилини мустақил ўрганувчиларга ҳам қулайликлар туғдиради.

**Анварқори ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар Бош имом-хатиби.**

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

الدَّرْسُ الْأَوَّلُ



قَلَمٌ. كُرَّاسٌ. نَشَافَةٌ. مِسْطَرٌ. رِيْشَةٌ. وَرَقٌ. هَذَا. أَيْنَ. مَا. خُذْ. هَاتِ.

هَذَا كِتَابٌ. هَذَا مِسْطَرٌ. أَيْنَ اللّوْحُ؟ أَيْنَ المِحْبَرَةِ؟ خُذِ القَلَمَ. هَاتِ
 الكُرَّاسَ. هَذَا وَرَقٌ. خُذِ الكِتَابَ. مَا هَذَا؟- مِسْطَرٌ. هَاتِ الرِّيْشَةَ. خُذِ
 الرِّيْشَةَ. أَيْنَ الكُرَّاسُ؟ أَيْنَ الوَرَقِ؟ أَيْنَ النِّشَافَةِ؟

1-дарс

1. Мубтадо¹ – у шундай бир исмики, ундан кейин лафзий
 ёки тақдирий суратдаги хабар² унга суянади.

¹Исмий жумланинг эгаси.

² Исмий жумланинг кесими.

Масалан:

قَدِمَ	أَبُوكَ	هَذَا	كِتَابٌ
↙	↓	↙	↓
тақдирий хабар	мубтадо	лафзий хабар	мубтадо

Мубтадо маърифа ва эъроби рафъ бўлади.

2. Наҳв фанида маърифа ва накра деган тушунчалар бор.

а) Маърифа³ – у шундай бир исмки, тингловчига айтилаётган вақтда маълум бўлган тарзда ишлатилади.

Масалан: جَاءَتِي الرَّجُلُ

б) Накра⁴ – у шундай бир исмки, тингловчига айтилаётган вақтда номаълум бўлган тарзда ишлатилади.

Масалан: جَاءَتِي رَجُلٌ

Маърифа исмлар етти турли бўлади.

1) Замирлар⁵ (أَنَا، أَنْتَ، هُوَ) ва ҳоказолар).

2) Атоқли отлар, яъни аъламлар (шаҳарларнинг номи, махсус жойларнинг номи, одамларнинг номи ва ҳоказо).

3) Исми ишоралар⁶ (هَذَا، هَذِهِ، ذَلِكَ) ва ҳоказо).

4) Исми мавсулалар⁷ (الَّذِي، الَّتِي) ва ҳоказо).

5) Алиф-лом билан таъриф топган исм (الرَّجُلُ).

6) Юқоридаги бештасидан биронтасига изофа қилинган исм (قَلَمُ الرَّجُلِ).

7) Нидо⁸ билан таъриф топган накра исм (يَا رَجُلًا).

³ Аниқ ҳолатдаги сўз.

⁴ Ноаниқ ҳолатдаги исм.

⁵ Кишилик олмоши.

⁶ Кўрсатиш олмоши.

⁷ Нисбий олмошлар.

⁸ Чақириш.

3. Эъроб⁹ – калималарнинг охири ўзгаришига айтилади.

Унинг навлари уч хил бўлади:

- а) рафъ¹⁰;
- б) насб¹¹;
- в) жор¹².

а) Рафъ ва унинг мисоллардаги кўриниши

Атоқли от –	جَاءَ زَيْدٌ .
Муфрад мунсариф исм ¹³ –	جَاءَ رَجُلٌ .
Асмой ситта ¹⁴ –	جَاءَ أَجْوَكٌ .
Жам мукассар мунсариф ¹⁵ –	جَاءَ رَجَالٌ .
Фойру мунсариф ¹⁶ –	جَاءَ أَحْمَدٌ .
Тасния ¹⁷ –	جَاءَ رَجُلَانِ .
Жам музаккар солим ¹⁸ –	جَاءَ مُسْلِمُونَ .
Жам муаннас солим ¹⁹ –	جَاءَتْ مُسَلِّمَاتٌ .

Исмнинг рафъ ўринлари

1. Мубтадо.
2. Хабар.
3. Фоил²⁰.

⁹ Турлаш; (келишикларда).

¹⁰ Бош келишик.

¹¹ Тушим келишик.

¹² Қаратқич келишик.

¹³ Бирлик сондаги тусланувчи исм.

¹⁴ Изофа бирикмасида охирига чўзиқ унли қўшиладиган олти исм.

¹⁵ Синик кўплик сондаги тусланувчи исм.

¹⁶ Икки келишикли, қаратқич ва тушум келишигида бир хил шаклга эга исм.

¹⁷ Иккилик сон шакли.

¹⁸ Эркак жинсдаги тўғри кўплик сон.

¹⁹ Аёл жинсдаги тўғри кўплик сон.

²⁰ Фейлий жумланнинг эгаси, иш-ҳаракатни бажарувчи субъект, аниқ даража сифатдоши.

4. Ноиб фоил²¹.
5. **كَانَ**нинг исми²².
6. **إِنَّ**нинг хабари²³.

б) Насб ва унинг мисоллардаги кўриниши

Атоқли от –	رَأَيْتُ زَيْدًا
Муфрад мунсариф исм –	رَأَيْتُ رَجُلًا
Асмой ситта –	رَأَيْتُ أَخَاكَ
Жам мукассар мунсариф –	رَأَيْتُ رَجُلًا
Гойру мунсариф –	رَأَيْتُ أَحْمَدَ
Тасния –	رَأَيْتُ رَجُلَيْنِ
Жам музаккар солим –	رَأَيْتُ مُسْلِمِينَ
Жам муаннас солим –	رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ

Исмнинг насб ўринлари

1. Мафъулун мутлоқ²⁴;
2. Мафъулун биҳи²⁵;
3. Мафъулун фийҳи²⁶;
4. Мафъулун лаҳу²⁷ (лиажлиҳи);

²¹ Шахси номаълум гапдаги эга ўринбосари.

²² Кесими “كَانَ” каби тўликсиз феъл ёрдамида ифодаланган жумланинг эгаси, шу феълнинг субъекти.

²³ “إِنَّ” каби юкламалар билан бошланган жумланинг кесими.

²⁴ Масдар билан ифодаланган мутлоқ тўлдирувчи.

²⁵ Иш-ҳаракат объектини билдирувчи тўлдирувчи.

²⁶ Иш-ҳаракат ўрнини ёки вақтини билдирадиган гап бўлаги-ўрин-ҳоли.

²⁷ Иш-ҳаракатнинг мақсади ёки сабабини англатувчи гап бўлаги-сабаб, мақсад ҳоли.

5. Мафъулун маъаху²⁸;
6. Ҳол²⁹;
7. Тамиз³⁰;
8. Мустасно³¹;
9. لا нинг исми³²;
10. كَانَ нинг хабари³³;
11. إِنَّ нинг исми³⁴.

в) Жор ва унинг мисоллардаги кўриниши

Атоқли от –	مَرَرْتُ بِزَيْدٍ
Муфрад мунсариф исм –	مَرَرْتُ بِرَجُلٍ
Асмой ситта –	مَرَرْتُ بِأَخِيكَ
Жам мукассар мунсариф –	مَرَرْتُ بِرِجَالٍ
Гойру мунсариф –	مَرَرْتُ بِأَحْمَدَ
Тасния –	مَرَرْتُ بِرَجُلَيْنِ
Жам музаккар солим –	مَرَرْتُ بِمُسْلِمِينَ
Жам муаннас солим –	مَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ

²⁸ Иш-ҳаракатни биргаликда бажарилганини кўрсатувчи тўлдирувчи-биргалик тўлдирувчиси.

²⁹ Ҳозирги замон; ҳолат ҳоли.

³⁰ Аниқлов, чеклов-гап ёки сўзнинг маъносига аниқлик киритувчи, чекловчи, ноаниқ ҳолатда тушум келишигидаги исм.

³¹ Истисно қилинган.

³² Кесими “لا” мутлақ инкор юклагаси билан ифодаланган гапнинг эгаси.

³³ “كَانَ” каби тўлиқсиз феъл билан ҳосил қилинган қўшма кесимнинг от қисми.

³⁴ “إِنَّ” каби юклагалар билан бошланган гапнинг эгаси.

Исмнинг жор ўринлари

1. Жор қилувчи ҳарфдан кейин келса³⁵;
2. Музофун илайҳи бўлса.

Эъроб хиллари

Эъроб икки хил бўлади:

- а) лафзий эъроб;
- б) тақдирий³⁶ эъроб.

А) Лафзий эъроб лафзда кўриниб туради.

جَاءَ زَيْدٌ ، رَأَيْتُ زَيْدًا ، مَرَرْتُ بِزَيْدٍ .

Б) Тақдирий эъроб лафзда кўриниб турмайди.

جَاءَ قَاضٍ ← قَاضِيٌّ ، رَأَيْتُ عَصَاً ← عَصَوًا ، مَرَرْتُ بِقَاضٍ ← بِقَاضِيٍّ .

4. Калималарнинг охири ўзгариши ҳамда ўзгармаслиги жиҳатидан икки турли бўлади:

- в) мўъроб калима (эъробланадиган калима);
- б) мабний³⁷ калима.

А) Мўъроб калима деб охири ўзгарувчи калимага айтилади.

Б) Мабний калима деб мабнийул аслга ўхшаб қолган калимага айтилади, яъни охири ўзгармас бўлади.

Мабнийул асл учта бўлади:

- а) мозий феъли³⁸ (نَصَرَ ، ضَرَبَ ، كَتَبَ)
- б) амри ҳозир³⁹ (إِضْرِبْ)
- с) ҳарфлар⁴⁰ (إِلَى ، بٍ ، مِنْ)

³⁵ Предлог туфайли қаратқич келишигига қўйилган исм.

³⁶ Фараз қилинган, бор деб ҳисобланган

³⁷ Турланмайдиган калима.

³⁸ Ўтган замон феъли.

³⁹ Буйруқ майли.

⁴⁰ Алоҳида ишлатилмайдиган, маъноси бошқа сўзлар билан бирикиб

Мабний исмлар қуйидагилардир:

- а) замирлар (أَنْتَ، أَنَا، هُوَ) ва ҳоказо);
- б) исми ишоралар (هَذَا، هَذِهِ) ва ҳоказо);
- с) исми мавсулалар (الَّتِي، الَّذِي) ва ҳоказо);
- г) мураккаб исмлар (خَمْسَةَ عَشَرَ) ва ҳоказо);
- д) киноялар⁴¹ (كَيْتَ وَ زَيْتَ، كَذَا) ва ҳоказо);
- е) исми феъллар⁴² (رُوِيَ، نَزَالَ) ва ҳоказо);
- ж) исми совтлар⁴³ (غَاقٍ، نَخٍّ، هَا هَا هَا) ва ҳоказо);
- з) баъзи зарфлар⁴⁴ (حَيْثُ، بَعْدُ، قَبْلُ) ва ҳоказо).

5. Хабар мубтадо билан биргаликда жумлани комил қиладиган иккинчи асосий рукндир.

Хабар жумланинг маъносини тамомига етказиб, исмнинг рафъ ўринларидан ва муснад (суянилувчи) бўлади.

Хабарнинг навлари уч қисмга бўлинади:

- а) муфрад хабар;
- б) жумла хабар;
- в) шибҳи жумла хабар.

А) Муфрад хабар жумла ҳам эмас, шибҳи жумла ҳам эмас, балки у жомид ёки муштоқ бўлади.

Масалан:

زَيْدٌ مُجْتَهِدٌ
муштоқ муфрад хабар

الثُّرَيَّا نَجْمٌ
жомид муфрад хабар

Жомид – иккинчи бир калимадан олинмаган, балки қуйма бўлган исмдир. У икки хил бўлади:

келгандагина англашиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимчалар.

⁴¹ Мажозий маънога эга бўлган сўз.

⁴² Феъл маъносидаги исмлар.

⁴³ Товушни англатувчи исмлар.

⁴⁴ Ўрин, пайтни англатувчи сўз ёки бирикма, равиш.

- а) исми зот;
- б) исми маъно.

А) **Исми зот** деб бирор нарсанинг зотини билдирган исмга айтилади.

Масалан: دَيْكُ، ثَوْرٌ، إِنْسَانٌ

Б) **Исми маъно** деб бирор маънони англатган исмга айтилади.

Масалан: فَهْمٌ، شَجَاعَةٌ، نَجْمٌ

Муштоқ деб иккинчи бир калимадан олинган исмга айтилади.

Масалан: اِجْتِهَادٌ исми مُجْتَهِدٌ деган масдардан олингандир.

Б) **Жумла хабар.**

Жумла ёки калом деб икки ёки ундан ортиқ калималарнинг иснод⁴⁵ билан бирикишига айтилади.

Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ

ضَرَبَ – муснад (суянилувчи)

زَيْدٌ – муснадун илайҳи (унга суянилувчи)

Жумла икки хил бўлади:

- а) жумлаи хабария ضَرَبَ زَيْدٌ
- б) жумлаи иншоия اِضْرَبْ زَيْدًا

Жумлаи хабариянинг ўзи икки хил бўлади:

- а) жумлаи исмия زَيْدٌ قَائِمٌ
- б) жумлаи феълия ضَرَبَ زَيْدٌ

А) **Жумлаи исмия** деб исмлардан ташкил топган жумлага айтилади.

Б) **Жумлаи феълия** деб феъл ва фоилдан ташкил топган жумлага айтилади.


⁴⁵ Кесим килиб қўймок.

Мубтадонинг хабари жумлаи феълия бўлганда шу жумланинг ичидан замир кўринишидаги бир оид⁴⁶ қайтиши лозим.

В) Шибҳи жумла хабар жумлага ўхшаш бўлиб, жор-мажрур ёки зарф билан ишлайдиган жумлага айтилади. Булар кўринишидан рафъ бўлолмайди, лекин тақдирда рафънинг ўрнидадир, дейилади. Чунки булар бирон нарсага таъаллуқ топадилар. Шунинг учун наҳвшунос олимлар: “**Булар махзуф**⁴⁷ ҳолатдаги хабарга таъаллуқли бўлади”, деб айтадилар.



Шибҳи жумла хабар махзуф **كَائِنٌ** ёки **ثَابِتٌ** ёки **مَوْجُودٌ**га таъаллуқли бўлади.



6. Истифҳом⁴⁸ калималарига содрул калом вожиб бўлади. Яъни, улар доимо гапнинг бошида келиб, уларда сўроқлик маъноси бўлади. Улар икки хил бўлади:

- а) исмлар;
- б) ҳарфлар
- А) Исмлар:

مَنْ، مَا، أَيْنَ، مَتَى، أَيَّانَ، كَيْفَ، كَمْ، أَيُّ، أَنَّى

Буларнинг орасидан фақат “**أَيُّ**” муфрад исмга изофа қилиниб, омилнинг тақозосига қараб эъробланади.

⁴⁶ Юқорида зикри ўтган зотга қайтувчи кишилиқ олмоши.

⁴⁷ Тушириб қолдирилган.

⁴⁸ Сўраш, сўроқ.

Масалан: **جَاءَ** жумлаи феълия
 бўлиб, хабар

أَيُّ رَجُلٍ изофа бўлиб, мубтадо

Қолганларнинг барчаси мабнийдир.

Омил деб маънони тақозо этувчи эъробнинг ҳосил бўлишига айтилади.

Б) Ҳарфлар: **أَ هَلْ**

Мана шу исм истифҳомларнинг орасидан **مَنْ** ‘**مَا**’ **كَمْ** бир неча хил кўринишда келади.

«**مَنْ**»

А) Истифҳом бўлади: **مَنْ أَبُوكَ**

Б) Шартия бўлади: **مَنْ تَضْرِبُ أَضْرِبُ**

В) Мавсула бўлади: **أَكْرَمْتُ مَنْ جَاءَكَ**

Г) Мавсуф бўлади:

«**وَكَفَى بِنَا فَضْلًا عَلَيَّ مَنْ غَيْرِنَا حُبُّ النَّبِيِّ مُحَمَّدٍ إِيَّانَا**»

“...Бизнинг бошқалардан афзаллигимизга Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг бизга бўлган муҳаббатлари кифоядир”.

«**مَا**»

А) Ҳарфия

Б) Истифҳомия

А) Ҳарфия:

1. Коффа бўлади, яъни амалдан тўхтатиб қолади.

إِنَّمَا زَيْدٌ قَائِمٌ

2. Нофия бўлади, яъни маънони бўлишсизликка айлантиради.

مَا ضَرَبَ زَيْدٌ

Б) Истифҳомия:

1. Истифҳомия бўлади: **مَا تَضْحَكُ**
2. Мавсула бўлади: **مَا تَصْنَعُهُ خَيْرٌ**
3. Шарт бўлади: **مَا تَصْنَعُ أَصْنَعُ**
4. Мавсуф бўлади: **مَرَرْتُ بِمَا مُوجِبٌ لَكَ**
5. Нарса маъносидаги тамма⁴⁹ бўлади: **نَعَمًا هِيَ**
6. Сифат бўлади: **أَنَا إِشْتَرَيْتُ شَيْئًا مَا**

« كَم »

كَم – адад учун келиб, икки хил бўлади:

а) истифҳомия

Унинг тамизи насб ва муфрад бўлади.

كَم رَجُلًا عِنْدَكَ

б) хабария

Унинг тамизи мажрур, муфрад ва жам бўлади.

كَم رَجُلٍ عِنْدِي

كَم رَجَالًا عِنْدِي

كَم нинг тамизига **مِنْ** ҳарфи жор кириши мумкин. Аслида бу **مِنْ** зоида бўлади. **كَم** – рафъ, насб, жор ҳолатларида бўлиши мумкин.

Рафъ: **كَم طَالِبًا حَضَرَ الْيَوْمَ**

Насб: **كَم طَالِبًا رَأَيْتَ الْيَوْمَ**

Жор: **بِكَمْ قَرَشٍ إِشْتَرَيْتَ هَذَا**

7. Бирор иш-ҳаракатни бажарувчига фоил деб аталади.

⁴⁹ Тўлик.

16 _____ *Араб тили дарслиги – таркиб қоидалари*
Фоил “Ким?” ёки “Нима?” деган саволларга жавоб

бўлиб, феълига яқин туради: **ضَرَبَ زَيْدٌ**

8. Фоилнинг феъли кимнинг ёки ниманинг устига тушган бўлса, ўша мафъулун биҳидир. Мафъулун биҳи “Кимни?” ва “Нимани?” деган сўроқларга жавоб бўлади:

ضَرَبَ زَيْدٌ كَلْبًا

9. Охири соқун бўлган калималардан кейин соқунли калима келса, = (касра) билан уланади: **خَذَلَ الْقَلَمَ**

ЗИЁДАЛАР

Мубтадо баъзида зоида бўлмиш жор ҳарфи билан лафзий суратда мажрур бўлса, баъзида эса зоидага ўхшаш бўлган жор ҳарфи билан лафзий суратда мажрур бўлади.

Масалан: **هَلْ مِنْ خَالِقٍ غَيْرُ اللَّهِ** Фотир сураси, 3-оят

зоида ҳарфи жор бўлади.
лафзий мажрур исм. У мубтадоликка биноан, тақдирий рафъ хукмида бўлади.

Ҳадис- **يَا رَبَّ كَاسِيَةٍ فِي الدُّنْيَا عَارِيَةٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ**

зоидага ўхшаш ҳарфи жор

Мубтадонинг ўзи икки турли бўлади:

а) очиқ мубтадо

б) жумланинг оқимидан мубтадоликка таъвил қилинадиган масдар

А) Очиқ мубтадо **كُلُّ امْرِئٍ بِطَوَالِ الْعَيْشِ مَكْذُوبٌ**

шоирнинг сўзи:

وَكُلُّ مَنْ غَالَبَ الْاَيَّامَ مَغْلُوبٌ

Б) Жумланинг оқимидан мубтадоликка таъвил қилинадиган масдар

وَأَنْ تَصْبِرُوا خَيْرٌ لَكُمْ Нисо сураси, 25-оят
 тақдирий кўриниш
 صَبْرٌ كُمْ خَيْرٌ لَكُمْ

Мубтадонинг ҳукми: у маърифа бўлиши керак. Фақатгина маъно очиқ-равшан бўлиб, англаш лозим бўлганда накра бўлиши мумкин. Бу ҳол бир неча кўринишда бўлади:

а) нафийдан⁵⁰ кейин ёки истифҳомдан сўнг

أَلَا إِلَهَ مَعَ اللَّهِ مَا أَحَدٌ عِنْدَنَا
 истифҳом нафий

б) агар накра исм дуога далолат қилса:

سَلَامٌ عَلَيْكُمْ وَيَسْلَامٌ لِلْمُطَفِّفِينَ

в) агар ўша накра исм билан навга ажратиш ёки тақсимлаш лозим тутилган бўлса, масалан:

فَيَوْمٌ عَلَيْنَا، وَ يَوْمٌ لَنَا وَ يَوْمٌ نَسَاءُ، وَ يَوْمٌ نُسَرُّ

г) агар накра исм сифатланган ҳолатда бўлса, масалан:

قَوْلٌ مَعْرُوفٌ وَ مَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِنْ صَدَقَةٍ يَتْبَعُهَا أَدَى

Бақара сураси, 263-оят.

д) агар хабар шибҳи жумла бўлиб, накра исмга муқаддам бўлиб келса, масалан:

وَ فَوْقَ كُلِّ ذِي عِلْمٍ عَلِيمٌ


⁵⁰ Бўлишсизлик.

1-машқ

Қуйидаги гапларни араб тилига таржима қилинг.

Дафтар қаерда? Чизғич қаерда? Бу қалам. Бу қоғоз. Сиёҳдонни бер. Китобни ол. Бу нима? – Тахта. Перо қаерда? Босмани ол. Дафтарни бер. Қоғоз қаерда? Қалам қаерда?


الدَّرْسُ الثَّانِي



مَقْعَدُ التَّلْمِيذِ



كُرْسِيٌّ



تَلْمِيذٌ

مُعَلِّمٌ



يَكْتُبُ

مَدْرَسَةٌ. فَصْلٌ. مَكْتَبُ الْمُعَلِّمِ. دَرْسٌ. حَبْرٌ. مِمْحَاةٌ. مَاسِكَةٌ. هُنَا.
فِي. يَقْرَأُ.

أَيْنَ الْحَبْرِ؟ أَيْنَ مَقْعَدِ التَّلْمِيذِ؟ هَذَا مَكْتَبُ الْمُعَلِّمِ. خُذِ الْوَرَقَ. هَاتِ
الْمَاسِكَةَ. مَا هَذَا؟ - كُرْسِيٌّ. أَيْنَ الْمِمْحَاةِ؟ - هُنَا. فَرِيذٌ يَقْرَأُ الدَّرْسَ.
هَاتِ الْمِمْحَاةَ. هَاتِ الْمِسْطَرَّ. مَا هَذَا؟ - هَذَا كِتَابٌ. التَّلْمِيذُ يَقْرَأُ


الدَّرْسِ. الْمُعَلِّمُ يَكْتُبُ. أَيْنَ الْمُعَلِّمِ؟ - فِي الْفَصْلِ. أَيْنَ التَّلْمِيزِ؟ - فِي الْمَدْرَسَةِ. عَثْمَانُ يَقْرَأُ الدَّرْسَ فِي الْفَصْلِ. أَيْنَ عَبْدُ اللَّهِ؟ - فِي الْفَصْلِ يَكْتُبُ. أَيْنَ الْمَأْسِكَةِ؟

2-дарс

1. Изофа ҳақида тушунча

Изофа⁵¹ деб иккита исмнинг бир-бирига қўшилишига ай-тилади. Изофа икки қисмдан иборат бўлади: музоф ва музо-фун илайҳи.


Масалан:



Музоф⁵² – қўшилган исм бўлиб, музофун илайҳига нис-бати берилади.

Музофун илайҳи⁵³ – унга қўшилган исм бўлиб, лафзий ёки тақдирий суратдаги ҳарфи жорнинг воситаси ила музоф-нинг унга нисбати берилади.

Масалан:



Изофа икки турли бўлади:

- а) изофаи маънавия
- б) изофаи лафзийя

А) Изофаи маънавия – унинг шарти шуки, музоф сифатлардан бўлмаслиги ҳамда ўзининг маъмулига⁵⁴ (фои-лига ёки мафъулига) музоф бўлмаслиги керак. Масалан:

⁵¹ Қўшиш, изофа бирикмаси ҳосил қилиш.

⁵² Изофа бирикмасининг биринчи бўлаги, аниқланмиш.

⁵³ Изофа бирикмасининг иккинчи бўлаги, мослашмаган аниқловчи.

⁵⁴ Бошқарилаётган сўз.

مَالٌ زَيْدٌ → сифат эмас ҳамда ўзининг маъмулига изофа бўлмаяпти.

Изофаи маънавияда уч хил маъно мавжуд.

1) لٌ – маъноси бор бўлиб, бунда музоф музофун илайҳининг мулкидан бўлиши керак.

قَلَمٌ مَحْمُودٌ ← قَلَمٌ لِمَحْمُودٍ

2) مِنْ – маъноси бор бўлиб, бунда музоф музофун илайҳининг жинсидан бўлади.

خَاتَمٌ فَضَّةٌ ← خَاتَمٌ مِنْ فَضَّةٍ

3) فِي маъноси бор бўлиб, бунда музоф музофун илайҳининг ичида бўлади.

يَوْمٌ الْجُمُعَةِ ← يَوْمٌ فِي الْجُمُعَةِ

Сифат деб муштоқ вазнида, алмуштоққу минҳу⁵⁵ ваъз⁵⁶ қилинган маънода ясалган исмга айтилади.

Масалан:	ضَارِبٌ ←	فَاعِلٌ ←	ضَرْبٌ
	↓	↓	↓
	сифат исми фоил	муштоқ вазни	алмуштоққу минҳу

Сифатларга исми фоил, исми мафъул, сифати мушаббихалар киради. Мана шу сифатлар ўз феълининг амалини қилади, айти шу жиҳатдан эса масдар⁵⁷ ҳам сифатларнинг таркибига киради. Чунки, агар масдар мафъулун мутлоқ бўлмаса, феълининг амалини қилади. Масдарнинг маъмули, яъни фоили ёки мафъули ундан илгарига ўта олмайди, тагида замир мустатир бўлмайди,


⁵⁵ Ичидан ёриб олингувчи.

⁵⁶ Ясалган, бир нарсани бир нарсага хослаш.

⁵⁷ Иш-ҳаракат номи.


фақатгина фоилига ва баъзида эса, мафъулига изофа қилиш жоиз бўлади.

Изофаи маънавияда накра исм маърифа исм билан таърифни, накра исм накра исм билан тахсисни ифода этади. Масалан:



Б) Изофаи лафзия – унинг шарти шуки, музоф сифатлардан бири бўлиб, ўзининг фоилига ёки мафъулига изофа бўлади.

Масалан:



2. **هَذَا، هُنَا، هُنَا، هُنَا** лар макон учун хос бўлган исми ишоралардир.

3. Жор қилувчи ҳарфлар ҳақида тушунча.

Ҳуруфи жорлар деб феълни ёки феълнинг маъносидаги шибҳи феълни ўзига яқин турган исмга изофа этиш учун вазъ қилинган ҳарфларга айтилади.

Масалан:



Ҳарфи жорлар қуйидагилардир:

(дан - مِنْ) (кўпинча - رَبِّ) (қасам - وَأَوْ) (қасам; билан - بَاءُ) (дан; ҳақида - عَنْ) (бошқа - حَاشَا) (бери - مُنْذُ) (қасам

– (تَاءُ) (ҳатто; гача- (حَتَّى) (да; ичида- (فِي) (бери - (مِنْ))
 (ўхшаш - (كَأَنَّ) (га - (إِلَى)) (бошқа - (عَدَا)) (бошқа- (خِلا))
 (учун; қасам – (لِأَنَّ) (да; устида- (عَلَى)).

Шулар орасидан **فِي** ҳарфи жори бир неча маънода келади:

а) зарфият учун келади:

أَلَسَمَّكَ فِي الْمَاءِ

б) **عَلَى** маъносида ҳам озгина келади:

لَأُصَلِّبَنَّكُمْ فِي جُدُوعِ النَّخْلِ

Тоҳа сураси, 71-оят.

2-машқ

Бу курси. Бу стол. Бу нима? Дафтар. Бу нима? Курси. Ўқитувчи қаерда? Мадрасада. Ўқувчи ёзипти. Ўқувчи дарсни ўқияпти. Дафтарни ол. Босма қаерда? Бу ерда. Абдурахмон дарсни ўқияпти. Абдурахмон ёзипти. Абдуллоҳ қаерда? Синфда дарсни ўқияпти. Ручка қаерда? Бу ерда. Ўчирғич қаерда?

الدَّرْسُ الثَّلَاثُ

شِبَّاكٌ



مِيزَةٌ



مِحْفَظَةٌ

مِقْلَمَةٌ. سَاعَةٌ. مِصْبَاحٌ. كِبْرِيَةٌ. حُجْرَةٌ. إِفْرَاءٌ. إِفْهَمٌ. أُدْخِلْ. أُفْعِدْ.
 عَلِيٌّ. مَنْ. تَبَاشِيرٌ.

أَيْنَ الْمِبرَاةِ؟ خذِ الْمَقْلَمَةَ. خذِ الْكَبْرِيَّتَ. هَاتِ الْمَحْفَظَةَ. ادْخُلِ
الرَّدْهَةَ. مَا هَذَا؟- شَبَّاكٌ. أَيْنَ الْمَصْبَاحِ؟ هَاتِ الْمِبرَاةَ. اِقْرَأِ الدَّرْسَ.
مَنْ هَذَا؟- مُعَلِّمٌ. ادْخُلِ الْحِجْرَةَ. افْهَمْ الدَّرْسَ. أَقْعُدْ عَلَيَّ الْكُرْسِيَّ. أَيْنَ
التَّبَاشِيرِ؟- عَلَيَّ مَكْتَبِ الْمُعَلِّمِ. مَنْ يَقْرَأُ الْكِتَابَ فِي الْفَصْلِ؟- عَبْدُ اللَّهِ.
مَنْ فِي الْفَصْلِ؟ مَنْ يَحْفَظُ الدَّرْسَ؟ اِقْرَأْ هُنَا. أَيْنَ الْقَلَمِ؟ هَاتِ الْمُعَلِّمُ
يَقْعُدُ عَلَيَّ الْكُرْسِيَّ. أَيْنَ السَّاعَةِ؟ كَرِيمٌ يَفْهَمُ الدَّرْسَ. أَيْنَ الْمَاسِكَةِ؟-
هُنَا فِي الْمَقْلَمَةِ.

3-дарс

1. Феъллар мафъулни қабул қилиш ҳамда қабул қилмаслиги жиҳатидан икки турли бўлади:

а) лозим⁵⁸

б) мутаъаддий⁵⁹

А) Лозим деб феълнинг маъноси фоил билан тамом ва тўла бўлган феълга айтилади.

Масалан: قَامَ التَّمِيذُ ، قَعَدَ الْمَعْلَمُ

Лозим феъл «Ким?» ёки «Нима?» деган саволга жавоб бўлади.

Б) Мутаъаддий феъл деб феълнинг маъноси фоил билан тамом ва тўла бўлмай, балки бирор тўлдирувчини, яъни мафъулун биҳини талаб қилган феълга айтилади.

Масалан:

اِقْرَأِ الدَّرْسَ ، مَنْ يَحْفَظُ الدَّرْسَ

Мутаъаддий феъл «Ким?» ёки «Нима?», яна «Кимни?» ёхуд «Нимани?» деган саволга жавоб бўлади.

⁵⁸ Ўтимсиз феъл.

⁵⁹ Ўтимли феъл

Иккита мафъулун биҳига ишлайдиган мутаъаддий феъллар ҳам бўлади. Улар қуйидагилар:

أَعْطَى، مَنَحَ، وَهَبَ، كَسَا، أَلْبَسَ.

Учта мафъулун биҳига ишлайдиган мутаъаддий феъллар ҳам бўлади. Улар қуйидагилар:

أَعْلَمَ، أَرَى، أَنْبَأَ، نَبَأَ، حَدَّثَ، خَبَرَ، أَخْبَرَ.

2. Исми феъллар мозий, музорий ёки амр маъносида ҳамда “فَعَالٍ” тарозусида бўлади.

Мозий маъносидаги исми феъллар:

..... شَتَّانَ، هَيَّهَاتَ
 ↓ ↓
 افترقَ بعدَ

Музорий маъносидаги исми феъллар:

أَفَّ أَوْهَ، أَوْهَ، آهًا، آهَ
 ↓ ↓
 اتضجرَ اتوجعَ

Амр маъносидаги исми феъллар:

صَهَ آمِنَ حَيَّ هَيَّ هَلُمَّ بَلَّهَ
 ↓ ↓ ↓ ↓ ↓
 أسكتَ استجبَ أقبلَ أسرعَ إقتربَ اتركَ
 رويدَ
 ↓
 أمهلَ

“فَعَالٍ” тарозусидаги исми феъллар:

كَتَابَ حَذَارِ نَزَالِ
 ↓ ↓ ↓
 اِحْدَرُ اِنزِلُ اُكْتُبُ

3. Мафъулун фийҳи деб феълнинг қаерда ёки қачон бўлганини билдириб келган сўзга айтилади.

Масалан:

جِئْتُ الْيَوْمَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ
 ↓
 мафъулун фийҳи

Мафъулун фийҳи ҳарфи жорлар **ب** ёки **فِي** билан жор-мажрур бўлиб келиши мумкин. Ҳамда насб ҳолатда ҳам учрайди.

Масалан:

	جِئْتُ الْيَوْمَ	جَلَسْتُ فِي الْمَسْجِدِ
↙		↘
	мафъулун фийҳи	мажрур-жор мафъулун фийҳи

Мафъулун фийҳининг насб бўлиши шарти **فِي** тақдир қилинади. Яъни, **فِي** маъносида келади.

دَخَلَ феълининг мозийсими, музорийсими, амрими – қайсиниси бўлишидан қатъий назар, ундан кейин келган исм доимо мафъулун фийҳи бўлади.

مَكَانَ сўзи ҳам кўп ишлатилгани учун мафъулун фийҳи бўлади.

Маконни англатган мафъулун фийҳи зарфи макон дейилади. Зарфи макон агар мубҳам, яъни чегарасиз бўлса, **فِي** нинг тақдирини қабул қилади. Мубҳам эса олтига томондир. Улар қуйидагилар:

تَحْتِ، فَوْقَ، خَلْفَ، أَمَامَ، شِمَالًا، يَمِينًا
يَطِيرُ الطَّيْرُ فَوْقَ الْمُعَلِّمِ

Замонни англатган мафъулун фийҳи зарфи замон дейилади. Зарфи замонларнинг барчаси **فى** нинг тақдирини қабул қилади.

Зарфлар жумлага ёки “ **إِذْ** ” га изофа бўлиб келса, уларни фатҳага бино қилиш жоиз бўлади. Шунда улар насб ҳолатда бўлади. Изофадан ажраганда рафъ ҳолатида ва мабний бўлади. Жор ҳолатида **فى** билан жор-мажрур бўлиб ишлайди.

Изофадан ажралиб, мабний бўлиб келган зарфларга қуйидагилар киради: **قَبْلُ، بَعْدُ** Булар ғоялар ҳам дейилиб,

ўрнига **حَيْثُ** лар ҳам жорий бўлади. **حَيْثُ**

кўпинча жумлага изофа бўлиб келади. **إِذَا** келаси замон учун келади. Унда яна шарт маъноси ҳам бўлиб, ундан кейин феъл ихтиёр қилинади. У гоҳо муфожат учун келади. Шунда унинг орқасидан мубтадо келиши лозим бўлади.

إِذْ мозий феъли учун бўлиб, ундан кейин жумлаи исмия ёки жумлаи феълия келади.

أَيْنَ، أَنَّى – булар маконни англатиб, истифҳом ва шарт бўлиб келади.

مَتَى – замонни англатиб, истифҳом ва шарт бўлиб келади.

أَيَّانَ – замонни англатиб, истифҳом ва шарт бўлиб ҳам келади.

كَيْفَ – ҳолни англатиб, истифҳом бўлиб келади.

مُنْذُ ва **مُنْذُ** – муддатнинг аввалги маъносини англатиб келади. Шунинг учун уларга муфрад маърифа исм яқин туради.

Масалан: مَا رَأَيْتَهُ مُدُّ يَوْمِ الْجُمُعَةِ
 Жамики муддатнинг маъносини ҳам англатиб келади.
 Масалан:

مَا رَأَيْتَهُ مُدُّ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ
 مُدُّ ва مُنْД лардан кейин масдар ҳам келади.
 مُدُّ ذَهَابُكَ

Феъл ҳам келади.

مَا أَكَلْتُ مُدُّ جَلَسَ زَيْدٌ
 أَنْ – носиба (насб қилувчи) ҳам келади.
 مُدُّ أَنْ تَخْرُجَ

لَدَيْ ва لَدُنْ деган зарфлар ҳам бўлади. Булар бошқачароқ суратда ҳам келади.

لَدُنْ، لَدَنْ، لَدُنْ، لَدُ، لَدُ، لَدُ.

قَطُّ – манфий суратдаги мозий учун келади.

عَوْضٌ – манфий суратдаги келаси замон учун келади.

غَيْرٌ ва مِثْلٌ лар أَنْ ва مَا билан қўшилиб келса, фатҳага бино қилиб ўқиш жоиз бўлади. Масалан:

”مِثْلَمَا“ ”مِثْلَ أَنْ“

Агар булардан олдин бир омил келса, омилнинг тақозосига қараб бўйсунаверади.

Масалан: ”بِمِثْلَمَا“ ”بِمِثْلِ أَنْ“

4. عَلِيٌّ – ҳарфи жор фақатгина истеъло учун, яъни бир нарсанинг устида турганини ифодалаш учун келади.

Масалан: زَيْدٌ عَلِيٌّ سَقَفَ


Агар عَلِيٌّ га олдиндан مِنْ кириб келса, исмга айланиб кетади.

Масалан: مِنْ عَلَيْهِ ← مِنْ فَوْقِهِ

Қаламтарошни бер. Курсига ўтир. Хонага кир. Партага ўтир. Китобни ўқи. Бу ким? Бу нима? Дафтар. Дарсни ўқи. Бу ерда ким ўқияпти. Чизғич қаерда? Бу ерда. Дарсни фаҳмла. Ким ёзаяпти? Ким ўқияпти? Ким дарсни фаҳмляяпти? Ким хонага кираяпти? Салим дарсни ўқияпти.

الدَّرْسُ الرَّابِعُ

سَخَّانَةُ الْمَاءِ



سَخَّانَةُ الشَّايِ



فَنجَانٌ

سُكَّرٌ. قَهْوَةٌ. شَايٌ. طَبِيخٌ. وَكَلْدٌ. رَفٌّ. دَارٌ. بَيْتٌ.
يَأْكُلُ. يَشْرَبُ. يَا. ب.

أَيْنَ الْكِتَابِ؟- الْكِتَابُ عَلَيَّ مَكْتَبِ الْمُعَلِّمِ. أَيْنَ الْوَالِدِ؟- فِي الدَّارِ.
هَذَا رَفٌّ. سَعِيدٌ يَشْرَبُ الشَّايَ بِالْفَنجَانِ. عَثْمَانُ يَأْكُلُ الطَّبِيخَ. أَيْنَ
سَخَّانَةِ الْمَاءِ؟- هَاتِ سَخَّانَةَ الشَّايِ. مَنْ يَقْرَأُ فِي الْبَيْتِ؟ مَنْ يَأْكُلُ
الطَّبِيخَ؟ مَا هَذَا فِي الرَّفِّ؟- فَنجَانٌ. مَنْ هَذَا فِي الْفَصْلِ؟ هَاتِ الْمُبْرَأَةَ
يَا سَعِيدُ. اشْرَبِ الشَّايَ بِالسُّكَّرِ. كُلِ الطَّبِيخَ. خُذِ النَّشَافَةَ يَا كَرِيمُ. اقْرَأِ
الدَّرْسَ يَا فَرِيدُ. مَحْمُودٌ يَشْرَبُ الْقَهْوَةَ. اشْرَبِ الْقَهْوَةَ بِالسُّكَّرِ. هَذَا
الْوَالِدُ يَأْكُلُ الطَّبِيخَ.

4-дарс

1. б ҳарфи жор бир неча маънода келади:

а) илсоқ (ёпиштириш) учун

مَرَرْتُ بِرَيْدٍ

б) истиёона ёрдам учун

كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ

в) мусоҳаба (бирга бўлиш) учун

إِشْتَرَيْتُ الْفَرَسَ بِسَرَجِهِ

г) таъдия (лозимдан мутааддийга) айлантириш учун

زَيْدٌ جَاءَ بِالْمَلْعَقَةِ

д) муқобала (эваз) учун

بَعْتُ هَذَا بِهَذَا

е) зарфият учун

بِأَوَّلِهَا صَعْبٌ وَبِآخِرِهَا سَهْلٌ

ж) зоида бўлиб келади.

Истифҳомда:

هَلْ زَيْدٌ بِقَائِمٍ

Мубтадода:

بِحَسْبِكَ زَيْدٌ

Нафийда:

لَيْسَ زَيْدٌ بِقَائِمٍ

Хабарда:

حَسْبُكَ زَيْدٌ

Булардан бошқа жойларда самоан, яъни эшитилинган ҳолида зоида бўлади.

أَلْقَى بِيَدِهِ

2. Тобей ⁶⁰ деб эъробда ўз матбуъисига тобей, яъни эргашувчи исмга айтилади. Тобей тўрт хил бўлади:

а) сифат (نَعْتٌ) – матбуъиси мавсуф бўлади;

⁶⁰ Мослашган сўз (мослашган аниқловчи, изоҳловчи, таъкидловчи, уюшган бўлак).

- б) таъкид – матбуъиси таъкидланувчи;
- в) атф ёки маътуф – матбуъиси маътуфун алайҳи бўлади;
- г) бадал – матбуъиси мубдалин минҳу бўлади.

А) Сифат ⁶¹ деб кимсанинг ёки нарсанинг белгисини билдириб келган сўзга айтилади.

Масалан:

قَلَمٌ جَمِيلٌ

Сифат икки хил бўлади:

- 1. Ҳақиқий сифат
- 2. Сабабий сифат

1. Ҳақиқий сифат деб мавсуф⁶²нинг белгисини билдириб келган сифатга айтилади.

Масалан:

رَجُلٌ غَنِيٌّ

2. Сабабий сифат деб мавсуфга алоқадор кимсанинг ёки нарсанинг белгисини билдириб келган сифатга айтилади.

Масалан: رَأَيْتُ الرَّجُلَ الْكَثِيرَ مَالَهُ

Гоҳо накра исм жумла билан сифатланиб келади ва шу накра исмга жумланинг ичидан бир замир оид лозим бўлади.

Масалан:

رَأَيْتُ رَجُلًا ضَرَبْتَهُ أَمْسٌ



Сифат мавсуфга ўн нарсдан тўрттасида мутобиқ бўлади:

- а) 1. Рафъ. 2. Насб. 3. Жор.
- б) 4. Муфрад. 5 Тасния. 6. Жам

⁶¹ Мослашган аниқловчи

⁶² Аниқланмиш, сифатланмиш

- в) 7. Музакар. 8. Муаннас.
г) 9. Маъриффа. 10. Накра.

Б) Таъкид деб ўзидан аввалги сўзни таъкидлаб келган сўзга айтилади.

Таъкид икки хил бўлади:

- а) лафзий таъкид
б) маънавий таъкид

А) Лафзий таъкид деб таъкидланувчи сўзнинг такрори бўлиб келган таъкидга айтилади.

Масалан: $\begin{matrix} \text{رَأَيْتُ زَيْدًا} \\ \swarrow \quad \searrow \\ \text{таъкид} \quad \text{таъкидланувчи} \end{matrix}$

Б) Маънавий таъкид деб таъкидловчи сўзлардан бири бўлиб келган таъкидга айтилади. Таъкидловчи калималар қуйидагилардир:

نَفْسٌ، عَيْنٌ، كَلِمًا (كَلَا)، كُلٌّ، أَجْمَعٌ = أَبْصَعُ = أَبْتَعُ = أَكْتَعُ
رَأَيْتُ الْأَمِيرَ نَفْسَهُ

В) Атф⁶³ ёки маътуф деб ҳуруфи атфа⁶⁴ лардан кейин келган сўзга айтилади. Ҳуруфи атфалар қуйидагилардир:

- 1) " وَ " 3) " ثُمَّ " 5) " أَوْ " 7) " أَمْ " 9) " بَلْ "
2) " فَ " 4) " حَتَّى " 6) " إِمَّا " 8) " لَّا " 10) " لَكِنْ "
جَاءَ زَيْدٌ وَعَمْرٌو

Г) Бадал⁶⁵ – бир сўз айтилиб, кейин шу сўзнинг кетидан бошқа бир мақсад қилинган сўз айтилишини билдиради.

⁶³ Боғланган

⁶⁴ Боғловчи

⁶⁵ Изоҳловчи

Бадал тўрт хил бўлади:

- 1) Бадал кулл
- 2) Бадал баъз
- 3) Бадал иштимол
- 4) Бадал ғалат

1. Бадал кулда бадал мубдалин минҳунинг айнан ўзи бўлади.

Масалан: **جَاءَ زَيْدٌ أَخُوكَ**

2. Бадал баъзда бадал мубдалин минҳунинг бир қисми бўлади.

Масалан: **ضَرَبْتُ زَيْدًا رَأْسَهُ**

3. Бадал иштимолда бадал мубдалин минҳунинг ичида ёки, аксинча, мубдалин минҳу бадалнинг ичида бўлиши мумкин.

Масалан:



4. Бадал ғалатда сўзловчи билмасдан мубдалин минҳуни айтиб юборади, кейин гапини ўнглаб бадални айтади.

Масалан: **جَاءَ زَيْدٌ حِمَارًا**

3. Мафъулун биҳининг феъли ҳазф бўлишининг тўртта вожиб ўрни бор. Мунодо шу тўрттанинг ичидан иккинчисига киради.

Мунодо ⁶⁶ **أَدْعُو** – «мен чақираман» деган феълнинг ўрнига ишлатиладиган ноиб ҳарфлар билан олдини ўгириб келиши талаб қилинган исмдир. Нидо ҳарфлари бештадир:

⁶⁶ Ундалма

يَا، أَيَا، هَيَا، أَيُّ، أ

Мунодо нима билан рафъ бўлса, шунга мабний бўлади. Агар мунодо муфрад маърифа (мураккаб эмас) ёки накраи мақсуда бўлса, қуйидагича бўлади:

يَا زَيْدٌ، يَا زَيْدَانُ، يَا زَيْدُونَ، يَا رَجُلٌ،
 ↙ жам ↘ тасния ↙ накраи ↘ муфрад
 мақсуда маърифа

Мунодо истифосанинг ломи⁶⁷ билан жор бўлади. **يَا زَيْدٌ** – Зайдга ёрдамга.

Мунодо агар музоф ё шибҳи музоф (музофга ўхшаш) ёки накраи ғойри мақсуда бўлса, насб ўқилади.

يَا عَبْدَ اللَّهِ، يَا طَالِعًا جَبَلًا، يَا رَجُلًا
 ↙ накраи ↘ шибҳи музоф ↘ музоф
 ғойри мақсуда

Мунодои мабнийнинг муфрад тобеълари ҳам бўлади. Бу тобеълар таъкиддан, сифатдан, атф баёндан, **يَا** нидо кириши ман қилинган маътуф исмлардан иборат бўлади.

Масалан: **يَا تَيْمٌ أَجْمَعُونَ**

Бу мунодои мабнийнинг муфрад тобеълари ҳам лафзига биноан рафъ, ўрнига биноан насб ўқиш жоиз бўлади.

Таъкидга – **يَا تَيْمٌ أَجْمَعُونَ** ёки **أَجْمَعِينَ**

Сифатига – **يَا زَيْدُ الْعَاقِلُ** ёки **الْعَاقِلَ**

Атф баёнига – **يَا غُلَامُ بَشَرًا** ёки **بَشْرًا**

يَا нидо кириши ман қилинган маътуф исмга – **الْخَارِسُ** ёки **يَا زَيْدُ وَالْخَارِسُ**

⁶⁷ Ёрдам сўраш ломи.

Агар мунодонинг тобеъси музоф бўлса, насб ўқилади:

يَاتِيمٌ كُلَّهُمْ

Энди мунодо қачонки алам⁶⁸ исм бўлса-ю, шу бошқа бир алам исмга изофа бўлган ибн (ابْن) билан сифатланиб келган бўлса, мунодони фатҳа қилиб ўқиш мухтор бўлади.

يَا زَيْدَ ابْنَ عَمْرٍو

Энди мунодо алиф лом билан маърифа бўлган исм бўлса, унда أَيُّهَا، هَذَا، أَيُّهَا деган мубҳам исмларни келтириш билан бўлади.

يَا أَيُّهَا الرَّجُلُ، يَا أَيُّهَا الرَّجُلُ، يَا هَذَا الرَّجُلُ

يَا هَذَا الرَّجُلُ нинг таркиби хусусида аксар уламолар мавсуф – сифат, деб айтадилар. Лекин “Алфия” деган китобда агар исм жомид бўлса, бадал бўлади, агар муштоқ бўлса, сифат бўлади, дейилади.

Баъзан мунодо ҳам қарина қоим бўлгани учун жоиз бўлган ҳолда ҳазф қилинади.

Масалан:

الْأَيُّهَا اسْجُدُوا ← الْأَيُّهَا قَوْمُ اسْجُدُوا

Мунодони тархим⁶⁹ қилиш (енгиллаштириш) жоиз бўлади.

يَا مَرْوَانَ ← يَا مَرْوَا، يَا أَسْمَاءُ ← يَا أَسْمَ

Шу مَرْوَانَ ва أَسْمَ деган, охири тархим қилинган мунодолар баъзан тўлиқ бир исм шаклида ҳам ишлатилади.

Масалан:

يَا مَرْوَا، يَا أَسْمَ

⁶⁸ Атоқли от.

⁶⁹ Қискартириш.

4-ماشқ

Пиёла. Перо. Ўчирғич. Чой. Қанд. Дафтар қаерда? Бу ерда. Ўқувчи каравотда ухляпти. Усмон овқатни еяпти. Чойни ич. Овқатни егин. Эй Маҳмуд, чизғични бер. Эй Аҳмад, босмани ол. Ким бу? Бу нима? Бўр билан ёз. Дафтарга қалам билан ёз. Ўқувчи қаерда? Ўқитувчи қаерда? Бу бола қаҳвани ичяпти.

الدَّرْسُ الْخَامِسُ



مِسْوَاكٌ. مُصَلِّيٌّ. هُنَاكَ. رَدْهَةٌ. لَحْمٌ. خُبْزٌ. تَعَالِ. احْفَظْ. بَابٌ.

أَيْنَ الْمُصَلِّيِّ. هَاتِ الْمِسْوَاكَ. ادْخُلِ الرَدْهَةَ. سَلِّمْ يَحْفَظُ الدَّرْسَ. احْفَظِ الدَّرْسَ. هَذَا بَابٌ. مَنْ يَحْفَظُ الدَّرْسَ؟ - كَرِيمٌ. الْوَلَدُ يَنَامُ عَلَيَّ السَّرِيرِ. مَحْمُودٌ يَأْكُلُ الْخُبْزَ. كُلِ اللَّحْمَ. أَيْنَ الْمِسْوَاكِ - هُنَاكَ عَلَيَّ مَكْتَبِ الْمُعَلِّمِ. احْفَظِ الدَّرْسَ. تَعَالِ هُنَا. مُحَمَّدٌ يَأْكُلُ اللَّحْمَ. هَاتِ الْمَبْرَاةَ. أَيْنَ الْكُرَّاسِ؟ - هُنَاكَ عَلَيَّ مَقْعَدِ التَّلْمِيذِ. الْكِتَابُ فِي الْخَزَانَةِ. سَلِّمْ يَشْرَبُ الشَّايَ. مَنْ فِي الْبَيْتِ؟ مَنْ فِي الدَّارِ؟ اشْرَبِ الْقَهْوَةَ بِالسُّكَّرِ.

Фарид дарсини ёдлаяпти. Муҳаммад овқатни еяпти. Бу ерга кел. Дарсни ёдла. Бола каравотда ухляпти. Қаламтарошни ол. Залга кир. Бу жойнаомзидир. Бу тиш чўткадир. Салим қаерда? У ерда дарсини ўқияпти. Бу эшикдир. Бу деразадир. Китоб қаерда? Шкафда. Ўқувчи гўшт еяпти. Саид нон еяпти. Саид, бу ерга кел.

الدَّرْسُ السَّادِسُ



مُهْرٌ. عَجَلٌ. يَرْكُضُ. دَجَاجَةٌ. أَنَا. أَنْتَ. هُوَ. مَتِي. مِنْ. أُخْرَجُ.

هُوَ تَلْمِيذٌ. أَنَا مُعَلِّمٌ. أَنْتَ تَلْمِيذٌ. الْفَرَسُ يَرْكُضُ. أَيْنَ الْمُهْرِ؟ الدَّيْكَ
يَصِيحُ. أَيْنَ الثَّوْرِ؟ مَتِي تَقْرَأُ؟ أَرْكُضُ يَا سَعِيدُ. أُخْرَجُ مِنَ الْفَصْلِ. أَنَا
أَكْتُبُ. هُوَ يَصِيحُ. أَنَا تَلْمِيذٌ. أَكْتُبُ يَا عَثْمَانَ. الْمُهْرُ يَرْكُضُ فِي الدَّارِ.
أَيْنَ الْبَقْرَةِ؟ هُوَ يَشْرَبُ الشَّايَ. أَنْتَ تَشْرَبُ الشَّايَ. أَيْنَ الْفَرَسِ؟- فِي
الدَّارِ. أَنَا أَقْرَأُ الدَّرْسَ. أَنْتَ تَفْهَمُ الدَّرْسَ يَا سَعِيدُ. أَنَا أَحْفَظُ الدَّرْسَ.

أَنْتَ تَنَامُ عَلَيَّ السَّرِيرِ. الثَّوْرُ يَأْكُلُ. أَنَا أَرْكُضُ. اشْرَبِ الشَّايَ. كُلِ
 الْخُبْزَ. الْمُهْرُ يَرْكُضُ. أَيْنَ الْكَلْبِ؟ - فِي الدَّارِ. تَعَالَ هُنَا يَا كَرِيمَ. هُوَ
 يَأْكُلُ اللَّحْمَ. الْعَجَلُ فِي الدَّارِ. أَيْنَ الدَّجَاجَةُ؟

6-дарс

Замир деб ғойбга, мухотобга, мутакаллимга қўйилган исмга айтилади. Улар мабниётлар жумласидан бўлиб, жинсига кўра икки хилдир:

а) музакар

б) муаннас

Сонига кўра уч хил бўлади:

а) муфрад

б) тасния

в) жам

Шахсига кўра ҳам уч хил бўлади:

I шахс – мутакаллим

II шахс – мухотоб

III шахс – ғойб

Замирлар икки турли бўлади:

а) мутгасил (ёпишган) **ضَرَبْتَ، ضَرَبَ**

б) мунфасил (ажралган), **هُوَ، أَنَا، أَنْتَ،**

Замирлар бориз ва мустатир бўлади. Бориз замир кўриниб турган замирдир.

ضَرَبْتَ، أَنْتَ

Мустатир замир яшириниб турган замирдир.

هُوَ замири нинг тагидаги **ضَرَبَ**

Замирлар зоҳир исм каби уч хил ҳолатда бўлади:

а) рафъ

б) насб

в) жор

Рафъ, насб ҳолатларида замирлар мутгасил ва мунфасил бўлади. Жор ҳолатда фақат мутгасил бўлади.

Рафъ:	أَنَا أَضْرِبُ	ضَرَبْتُ
	↓	↓
	мунфасил	муттасил
Насб:	إِيَّايَ	ضَرَبْتَنِي
	↓	↓
	мунфасил	муттасил
Жор:	بِهِ	غُلَامِي،
	↓	↓
	муттасил	муттасил

2. ʾ مِنْ ҳарфи жор бир неча маънода келади:

а) ибтидо (бошлаш) учун

سِرْتُ مِنَ الْبَصْرَةِ إِلَى الْكُوفَةِ

б) табиин (баён қилиш) учун

فَاجْتَنَبُوا الرَّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ

Ҳаж сураси, 30-оят.

в) таъиз (бўлакка бўлиш) учун

خُذْ مِنَ الدَّرَاهِمِ

г) зоида бўлиб келади.

Манфийда: مَا جَاءَنِي مِنْ أَحَدٍ

Мусбатда: كَانَ مِنْ مَطَرٍ

б-машқ

От, Сигир, Тойчоқ, Бузоқ. Бу нима? Жойнамоз. От югурыпти. Сигир қаерда? Бу ерда. Карим дарс ўқияпти. Сен дарсни ўқияпсан. Эй Фарид, югур. Сен залга кияпсан. Мен хонадан чиқяпман. У чойни ичяпти. Сен

чойни ичяпсан. Фарид қаерда? Ҳовлида. Ўқитувчи қаерда? Залдан чиқ. Хўроз қичқиряпти. Бу От. От қаерда? Бузоқ югуряпти. Тойчоқ бу ерда, ҳовлида.

الدَّرْسُ السَّابِعُ



سَكِّينٌ



قَنْيْنَةٌ



يَسَبِحُ

كُرَّةٌ. سَمَكٌ. مَاءٌ. لَبَنٌ. بَعْدُ. قَبْلُ. يَقُومُ. يَنْظُرُ. يَلْعَبُ. هَلْ. نَعَمْ.

التَّلْمِيذُ يَلْعَبُ بِالْكُرَّةِ. السَّمَكُ يَسْبَحُ فِي الْمَاءِ. مَنْ يَلْعَبُ بِالْكُرَّةِ فِي الدَّارِ؟ - فَرِيدٌ. أَنْظُرْ مِنَ الشُّبَّاكِ. اشْرَبِ الْمَاءَ. يَقُومُ التَّلْمِيذُ. أَنَا أَشْرَبُ اللَّبَنَ. أَنَا أَلْعَبُ بَعْدَ الدَّرْسِ. أَنْتَ تَقْعُدُ عَلَيِ الْكُرْسِيِّ. خُذِ الْقَنْيْنَةَ. هَاتِ السَّكِّينَ. كُلْ لَحْمَ الْبَقْرِ. أَيْنَ السَّكِّينُ؟ - هُنَا فِي الْخَزَانَةِ. مَا هَذَا؟ أَنَا أَنْظُرُ مِنَ الشُّبَّاكِ. قُمْ وَاقْرَأِ الدَّرْسَ. كَرِيمٌ يَشْرَبُ الْقَهْوَةَ. أَنَا أَلْعَبُ بَعْدَ الدَّرْسِ.

7-дарс

1. Ҳуруфи атфлардан «و» ҳарфи мутлақо жамлаш учун келиб, унда тартиб бўлмайди.

جَاءَ زَيْدٌ وَعَمْرُو

Мана шу мисолда Зайд биринчи бўлиб келдими ёки Амрми, фарқи йўқ. Буларнинг келишида тартиб бўлмайди.

Чунки «و» ҳарфида тартиб йўқдир. Бу ерда «و» ҳарфи атфа **جاء** феъли билан Зайд фоилининг ўртасидаги иснодга амрни ҳам қўшиб қўйишда воситачилик вазифасини ўтапти.

7-машқ

Коптокни ол. Бу ерга ўтир. Партага ўтир. Сен деразадан қараяпсан. Мен деразадан қараяпман. Балиқ сувда сузаяпти. Синфга кир. Мен ўтиряпман. Эй Саид, дарсдан кейин копток билан ўйна. Шиша қаерда? Бу ерда, шкафта. Мен ҳовлида югурияпман. Мушук гўшти еяпти. Дарсдан кейин ўйнайсанми? Ҳа, ўйнайман. Деразадан қарадингми? Бузоқ сув ичяпти.

الدَّرْسُ الثَّامِنُ

أَخٌ أُخْتٌ



أُمٌّ بِنْتُ



ابْنٌ أَبٌ

قَلَمٌ مَحْمُودٌ. هُ. ك. ي. يُحِبُّ. يُطِيعُ.

هَذَا قَلَمٌ فَرِيدٌ. هَذَا مِسْطَرٌ مَحْمُودٌ. هَذَا قَلَمُكَ. هَذَا قَلَمِي. خُذْ فَنَجَاتِكَ. اشْرَبْ شَائِكَ. هَذَا فَرَسٌ سَلِيمَانٌ وَهَذَا ثَوْرُهُ. أَيْنَ مَحْفَظَتِي؟ هَاتِ كُرَّاسِي. التَّلْمِذُ يَقْرَأُ دَرْسَهُ. فَرِيدٌ يَحْفَظُ دَرْسَهُ. هُوَ يُطِيعُ أُمَّهُ.

أَيْنَ مَهْرِكَ؟ أَيْنَ مَقْلَمَتِكَ؟ الْأَخُ يُحِبُّ أُخْتَهُ. فَرَسِي يَرْكُضُ. أَيْنَ كِتَابِي يَا أُمِّي. أَخْرَجُ مِنَ الرَّذْهَةِ يَا أَخِي. خُذْ هَذَا الْقَلَمَ يَا أَخِي. اقْرَأْ دَرَسَكَ يَا كَرِيمَ. ابْنُكَ يَنَامُ عَلَيَّ سَرِيرَهُ. هَذَا أَبِي. أَبِي يَكْتُبُ. أَنَا أَدْخُلُ فَصْلِي. أَنَا أَطِيعُ مُعَلِّمِي. أَنْتَ تَطِيعُ مُعَلِّمَكَ. أَبِي يَكْتُبُ. هَاتِ مَحْبِرَتِي. اشْرَبْ قَهْوَتَكَ. هَذَا الْعَجَلُ يَشْرَبُ الْمَاءَ. الْمَهْرُ يَخْرُجُ مِنَ الدَّارِ.

8-дарс

1. Охири саҳиҳ ҳарф билан тугаган исмлар « **ى** » – мутакаллимга қўшилиб келса, унинг охири касра қилинади.
« **ى** » – мутакаллим эса фатҳа ёки соқун қилиниши мумкин.

قَلَمِي، غَلَامِي، كُرَّاسِي، كُرَّاسِي.

Агар охири алифли исм бўлса, « **ى** » – мутакаллимга қўшилганда ўз ўрнида тураверади.

أَسِي ← أَسَايَ ← أَسَايَ

Арабларнинг Ҳузайл қабиласи шу алифни « **ى** » га қалб⁷⁰ қилиб ишлатган экан.

أَسِي ← أَسِيَّ

Агар охири «**ى**» бўлса, «**ى**» – мутакаллимга идғом қилинади.

Масалан: رَأَيْتُ مُسْلِمِيَّ ← مُسْلِمَيْنِ

Агар охири «**و**» бўлса, «**ى**» га қалб қилиб туриб, кейин «**ى**» га идғом қилинади.

« **ى** » – мутакаллим эса фатҳа қилинади.

مُسْلِمُونَ+ي ← مُسْلِمُوِي ← مُسْلِمِيَّ ← مُسْلِمِيَّ

⁷⁰ Айлантириш.

Араб тилида **асмои ситта** деган олтита исм бор.

Улар қуйидагилар:

أَخٌ، أَبٌ، حَمٌّ، هَنْ، فَوْهٌ، ذُو

Мана шу олтита исмга « **ي** » – мутакаллим қўшилиб келганда қуйидаги кўринишларда ишлатилади:

أَخِي، أَخِيَّ، أَبِي، أَبِيَّ، حَمِي، حَمِيَّ، هَنِي، هَنِيَّ، فَمِي.

« **ذُو** » эса изофа билан келади. У замирга изофа бўлмайди. Лекин жуда ҳам кам ҳолатда замирга изофа ҳолати учрайди. Масалан: **إِنَّمَا يَعْرِفُ ذَا الْفَضْلِ مِنَ النَّاسِ ذُوهُ**

2. Юқоридаги дарслардан бизга маълум бўлдики, калималар охири ўзгариши ёки ўзгармаслиги жиҳатидан икки турли бўлади. Улар мабний ва мўъроб калималардир. Энди мўъроб калималарнинг ўзи икки қисмга бўлинади, яъни мунсариф ва ғойру мунсарифга.

Мунсариф тусланувчи калимадир.

Ғойру мунсариф деб тўққизта иллатдан иккитаси мавжуд бўлган ёки шу иккитасининг ўрнига ўтадиган битта иллат мавжуд бўлган исмга айтилади. Тўққизта иллат қуйидагилардир:

- | | | | |
|-----------|------------|---------------------|---------------|
| 1. Адл | 4. Маърифа | 7. Гаркиб | 9. Вазну феъл |
| 2. Васф | 5. Ажам | 8. Олдида алиф бўл- | |
| 3. Таънис | 6. Жам | ган зоида нун | |

Уламолар мана шу тўққизта иллатни шеър вазнида ҳам айтганлар.

عَدْلٌ وَ وَصْفٌ وَ تَأْنِيثٌ وَ مَعْرِفَةٌ
وَ عَجْمَةٌ ثُمَّ جَمْعٌ ثُمَّ تَرْكِيْبٌ
وَ النَّوْنُ زَائِدَةٌ مِنْ قَبْلِهَا أَلْفٌ
وَ وَزْنُ فِعْلٍ وَ هَذَا الْقَوْلُ تَقْرِيْبٌ

1. Адл⁷¹ ҳақиқатда ёки тақдирда (тахмин қилиш йўли билан) аслий сийғасидан чиқарилган бўлади.

Масалан:

Ҳақиқатда чиқариб олинганига:

Араблар **ثَلَاثَةٌ وَثَلَاثَةٌ** дан **ثَلَاثٌ وَثَلَاثٌ** ни чиқариб, яъни адл қилиб олганлар.

ثَلَاثٌ وَثَلَاثٌ ларнинг адл қилиниши битта иллат бўлса, иккинчи илллати – булар сифат бўлиб келади.

Тақдирда чиқариб олинганига:

Араб тилида « **عَمْرٌ** » деган феъл бор. Ундан **عَامِرٌ** деган исми фоил чиқади. Араблар мана шу **عَمْرٌ** дан **عَامِرٌ** ни чиқариб, адл қилиб ишлатган, деб тахмин қиламиз. Бу битта илллати бўлса, иккинчи илллати **عَمْرٌ** одамнинг исми бўлиб, у маърифадир.

2. Васф – бунда бир исм аслида сифатга бино қилинган бўлиши керак.

Масалан:

أَسْوَدٌ، أَرْقَمٌ деб илонга ном берилган. Буларнинг асл маъноси «қора» деганидир. Демак, бу калималарнинг биринчи илллати сифат, иккинчи илллати эса вазну феълга ўхшайди. Олдида « **أ** » бор, охирида эса « **ة** » йўқдир.

3. Таънис – бунда исм алам бўлиши шарт қилинади, жумладан, маънавий муаннас ҳам, фақатгина бир қанча шартлари бор. Яъни, учта ҳарфдан зиёда бўлиши керак ёки ўртаси ҳаракатли ё ажам бўлиши лозим.

Масалан: **طَلْحَةَ «ة»** билан муаннас бўлган алам исмдир.

زَيْنَبٌ، سَقَرٌ، جُورٌ – маънавий муаннаслар.

⁷¹ Сўз қолипида ўзгариш содир бўлиши

Агар бир музаккар исм шу « **ة** » билан номланадиган бўлса, унинг ғойру мунсариф бўлиши шарти шуки, учта ҳарфдан зиёда бўлиши керак.

Масалан: **عَبْدَةٌ**

4. Маърифа – бунда исм алам, яъни атоқли от бўлиши шарт қилинади.

Масалан: **زَيْنَبٌ**

5. Ажам⁷² – бунда исм ажамнинг ичида алам ва ўртаси ҳаракатли бўлиши шарт қилинади ёки учта ҳарфдан зиёда бўлиши керак.

Масалан: **شَتْرٌ، اِبْرَاهِيمُ** – Туркиянинг Диёрбақр деган бир жойида қўрғон бўлиб, шунга ном берилган.

6. Жам – бунда исмнинг охири “ **ها** ” сиз мунтаҳал жумуъ⁷³ сийғасида бўлиши шарт қилинади. Мунтаҳал жумуъ сийғаси иккитадир.

مَسَاجِدَ	مَفَاتِيحَ
↓	↓
مَفَاعِلَ	مَفَاعِلَ

7. Таркиб – бунда иккита исм изофасиз ва иснодсиз қўшилиб, мураккаб бўлади. Яна алам бўлиши шарт қилинади. Масалан:

بَعْدَكَ	→	шаҳарнинг номи
	→	бутнинг номи
	→	одамнинг номи

8. Алиф нун – агар бир исмда келса, ғойру мунсариф бўлиш шарти шуки, алам бўлсин. Масалан:

⁷² Ажнабий, асли арабча бўлмаган сўз

⁷³ Кўплик шаклининг энг чети, ундан кейин бошқа кўплик йўқ.

عَمْرَانُ

Агар шу алиф нун бир сифатда келса, шу сифатнинг ғойру мунсариф бўлиш шарти шуки, сифатнинг муаннаси « **فَعْلَانَةٌ** » вазнида бўлмаслиги керак.

سَكْرَانُ، سَكْرِي

↓ ↓
муаннас музаккар

9. Вазну феъл – бунда исм, маъно жиҳатидан феълга хос бўлиши керак ёки охирида **ة** ни қабул қилмай, аввалида эса тўртта музорият ҳарфларидан бири бўлиши шарт қилинади.

شَمْرٌ، ضَرْبٌ، أَحْمَرٌ

↙ охирида “ة” йўқ ва олдида “أ” бор, феълга хос

Энди иккита иллатнинг ўрнига қоим бўладиган битта иллатнинг ўзи икки турли бўлади:

- а) жам
- б) муаннасининг иккита алифи мақсураси⁷⁴ ҳамда мамдудаси⁷⁵

А) Жам – бу иккита вазнда келади:

مَسَاجِدَ، مَفَاتِيحَ

Б)

زَخْرَاءُ، لَيْلِي

↙ алифи мақсура ↘ алифи мамдуда

Ғойру мунсарифнинг ҳукми касрани ва танвинни қабул қилмаслигидир. Ғойру мунсарифга алиф лом кирса ёки изофада музоф бўлиб келса, амалдан тушади.

Лекин зарурат юзасидан ёки муносиб бўлиши учун ғойру мунсарифлар тусланади.

⁷⁴ Қиска алиф.

⁷⁵ Чўзик алиф.

Масалан, Инсон сурасидаги Аллоҳ таолони сўзи каби:

سَلَسَلًا وَ أَغْلَالًا
 → муносиб бўлиши учун

8-машқ


Бу Орифнинг тахтаси. Бу менинг қаламим. Чизғични ол. Қаламимни бер. Дарсингни ўқи. Соатингни ол. Фарид дарсини ўқияпти. Салим синглисини яхши кўради. Дарсингни ёдла, эй Саид. Салим қаерда? Каравотда ухляпти. Отам қаерда? Уйда. Акам қаерда? Ҳовлида копток ўйнапти. Бу менинг ўқувчим. Бу сенинг ўқувчинг.

الدَّرْسُ التَّاسِعُ

ذَنْبٌ



حِمَارٌ



دُبٌّ

غَابَ. جُنَيْنَةٌ. مَكْتُوبٌ. إِلَيَّ. يُوجَدُ. فَتَحَ. فَارٌ. هَرٌّ. رَكِبْتُ. ذَهَبْتُ.

هَذَا فَارٌ. رَكِبَ أَبِي حِصَانَهُ. فَتَحَ سَلِيمٌ الشُّبَّانَ. فَتَحَ أَخِي الْبَابَ.
 هَذَا حِمَارِي وَهَذَا مَهْرٌ أَخِي. رَكِبَ أَبِي الْفَرَسَ. التَّلْمِيذُ ذَهَبَ إِلَيَّ
 الْمَدْرَسَةَ. أَنَا فَتَحْتُ الشُّبَّانَ. افْتَحَ الشُّبَّانُ يَا كَرِيمُ. الْحِمَارُ فِي الدَّارِ.
 يُوجَدُ الذَّنْبُ فِي الْغَابِ. أَيْنَ تَذْهَبُ؟ - إِلَيَّ الْمَدْرَسَةَ. أَيْنَ سَعِيدٌ؟ - فِي
 الْجُنَيْنَةِ يَلْعَبُ. أَنَا قَرَأْتُ الدَّرْسَ. أَنْتَ كَتَبْتَ الْمَكْتُوبَ. أَكْتُبِ الْمَكْتُوبَ.

أَنَا شَرَبْتُ الشَّايَ. سَلِمْتُ فَهَمَ دَرَسَهُ. ارْكَبِ الحِصَانَ. مَحْمُودٌ حَفِظَ الدَّرْسَ. المُعَلِّمُ دَخَلَ الفِصْلَ. أَنْتَ أَخَذْتَ قَلَمِي يَا عَبْدَ اللَّهِ. قَامَ التَّلْمِيزُ. قَعَدَ المُعَلِّمُ. نَظَرَ التَّلْمِيزُ مِنَ الشُّبَّانِ. مَنْ فَتَحَ البَابَ؟ - أَنَا فَتَحْتُ. مَنْ أَخَذَ نَشَافَتِي؟ - أَنَا أَخَذْتُ. هَاتِ مِسْطَرِي. أَنْتَ أَخَذْتَ. خُذِ الكِتَابَ. أَيُّنَ الهَرُّ؟ الهَرُّ يَأْكُلُ الفَأْرَ. رَكِبْتُ حِصَانِي. الهَرُّ يَشْرَبُ اللَّبْنَ.

9-дарс

1. «إِلَى» ҳарфи жор бир неча маънода келади:

a) интиҳо учун سِرْتُ مِنَ البَصْرَةِ إِلَى الكُوفَةِ

b) маъносида ҳам озгина келади.

— لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَهُمُ إِلَى أَمْوَالِكُمْ

Нисо сураси, 2-оят.

1. Ноиб фоил деб феълнинг маълум сийғаси мажхул сийғага ўзгарганда ҳазф қилинган фоилнинг ўрнига келтирилган мафъулун биҳига айтилади.

Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا ← ضُرِبَ عَمْرٌ

عَلِمْتُ бобининг иккинчи мафъулун биҳиси ноиб фоилга ўтмайди.

عَلِمْتُ زَيْدًا قَائِمًا ← عُلِمَ زَيْدٌ قَائِمًا

أَعْلَمْتُ бобининг учинчи мафъулун биҳиси ноиб фоилга ўтмайди.

أَعْلَمْتُ زَيْدًا عَمْرًا فَاضِلًا ← أُعْلِمَ زَيْدٌ عَمْرًا فَاضِلًا

